

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусаҳҳих: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

А. Акбаров Ҳайнрих Ҳайне ва аёллар.....	94
Г. Орипова Ўзбек шеърятда ижровий лирика тарихи ва тадрижи.....	101
О. Барзиев Фарғона номи билан боғлиқ анъанавий поэтик туркумлар.....	108
Д. Турдалиев Ўзбек дostonчилик санъатининг ўзига хос хусусиятлари.....	114
Ю. Каримова “Лисонут-тайр” достонида бадиий тасвир усуллари ва ифода воситалари.....	123
Д. Муратова XX аср ўзбек ва корейс ҳикояларида ота-она ва фарзанд муносабатларида оилавий кадриятлар тасвири.....	127

ТИЛШУНОСЛИК

А. Мамажонов, А. Саминов Сўз бирикмаси қисмларида семантик мутаносиблик ва номутаносиблик.....	133
М. Мамажонов Диалогик дискурда антропонимларнинг коммуникатив-функционал хусусиятларига доир.....	138
Р. Ахророва Ўзбек ва француз тилларида эрта ёшлик “jeunesse”нинг лексик-семантик ифодаланиши.....	144
Х. Қодирова Хоразм шеваларида ўзлашма сўзлар асосида шаклланган айрим лақаблар.....	148
Ҳ. Дўсматов Ўзбек миллий сўз ўйинлари турлари ва талқини.....	152
Ш. Шокиров, Д. Қозоқбоева Инглиз тилида “ear – кулоқ” семасига алоқадор бўлган сўзларнинг семантик хусусиятлари.....	159
Т. Яндашова Бадиий матнда “гўзаллик” концептини ифодаловчи фонетик-фонологик воситалар лингвопоэтикаси.....	163
Г. Тожиева Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида маънавий-маърифий тушунчаларни ифодаловчи атов бирликларининг тавсифланиши.....	168
З. Раджабова Ўқув фразеографияси лексикографиянинг махсус бўлими сифатида.....	173

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Х. Турсунов, Ю. Минаматов, И. Мўминов Замонавий таълимда компьютер ўйин элементларидан фойдаланишнинг педагогик муаммолари ва ечим тавсиялари.....	182
М. Каримова, З. Арипов, М. Оламова Педагог ва талаба ёшларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг омиллари ва усуллари.....	189
С. Умаров Талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг илмий-педагогик имкониятлари.....	193
С. Аъзамов Тўқимачилик ва енгил саноат соҳаси терминларини тартибга солиш.....	197

ПЕДАГОГ ВА ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

ФАКТОРЫ И МЕТОДЫ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКИХ КАЧЕСТВ ПЕДАГОГОВ И
СТУДЕНТОВ

FACTORS AND METHODS OF DEVELOPING THE CREATIVE QUALITIES OF
TEACHERS AND STUDENTS

Каримова Мукаддас Отажоновна¹, Арипов Зоиржон Тоиржонович²,
Оламова Маъмура Умаровна³

¹Каримова Мукаддас Отажоновна

– Фаргона давлат университети, педагогика
кафедраси доценти.

²Арипов Зоиржон Тоиржонович

– Фаргона давлат университети, ўқитувчи.

³Оламова Маъмура Умаровна

– Фаргона давлат университети, магистрант.

Аннотация

Мақолада креативлик тушунчасига оид педагог ва талаба ёшларнинг креативлик – янгилик яратиш, муаммоларни ечишга қаратилган ижодий қобилияти эканлиги, унинг мазмунида оригиналлик, амалийлик, ноодатийлик ва эркинлик ҳақида хорижлик олимлар фикрлари баён этилган.

Аннотация

В статье описаны мнения зарубежных учёных о креативности педагога и студента как понятия креативности – создание новизны, творческая способность в решении проблем, оригинальность в их содержания, практичность, необычность и свобода.

Annotation

The article describes the views of the foreign scientists on the creativeness of a teacher and student as the notions of the creativeness – creating the novelty, creative capability in problem solutions, uniqueness in their contents, practicality, extraordinariness and freedom.

Таянч сўз ва иборалар: креативлик, педагог ва талаба – ёшлар, креатив фикрлаш, стереотиплар, ижодкорлик, тасаввур.

Ключевые слова и выражения: креативность, педагог и студенческая молодежь, творческое мышление, стереотипы, творчество, воображение.

Key words and expressions: creativeness, pedagogy and student – youth, creative thinking, stereotypes, creativity, imagination.

Креатив фикрлаш – бу, инновацион (янги, новатор, оригинал, ностандарт, ноодатий ва ҳоказо...) ва самарали (амалий, натижавий, тежамли, оптимал ва ҳоказо) ечимларни топиш, янги билимларни эгаллаш, тасаввурни таъсирчан ифодалашга қаратилган ғояларни ишлаб чиқиш, баҳолаш ва такомиллаштириш жараёнида самарали иштирок этиш қобилияти.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида алоҳида айтиб ўтилган: “Олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши

ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш”.

Креатив фикрлаш бизга муаммоларни ҳал қилишда ноодатий ечим топишга ёрдам беради. Бироқ биз уни танқидий фикрлаш билан адаштириб юбормаслигимиз, аксинча, бизга имконсиз муаммоларни ҳал қилишда бир-бирини тўлдириб турувчи ечимларни топишда ёрдам берадиган бағрикенгликдек қарашимиз керак.

Креативлик учун қуйидагилар муҳим ҳисобланади: педагогик масалаларнинг кўп хиллиги ва уларни ҳал этишнинг вариативлигини тушуниш, ўз маҳоратининг даражаси ва тавсифини ҳамда уни ривожлантириш мумкинлигини тушуниш, уни такомиллаштириш хоҳиши, янги ечимлар зарурлигини тушуниши ва унга психик

тайёргарлик ҳамда уни амалга оширишга ишонч.

Креативликни: ижодга интилиш, ҳаётга ижодий ёндашиш, ўзига доимий танқидий назар солиш ва таҳлил этиш, дейиш мумкин. Ҳозирги замон психология ва педагогика луғатларига асосланиб ўқитувчининг креативлиги деб, унинг фикрларидаги, сезгиларидаги, мулоқотдаги, алоҳида фаолият туридаги, ижодий ёндашиш, билиш даражаси, деб таърифлаш мумкин.

Ғилдиракнинг кашф этилишидан бошланган яратувчанлик намуналари бугун коинотда кезиб юрибди. Инновациялар кундалик турмушимизда қулайликлар яратади, оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қилади. Шу тарзда креативлик тараққиётнинг ажралмас бўлагига айланган. Барча соҳада ижодий фикрловчи мутахассисларга талаб катта. Дунёга машҳур дастурий маҳсулотлар, мобил телефонлар ишлаб чиқарувчи компаниялар мутахассисларидан ҳар кун янги ғоя сўралади.

Меҳнат бозорида креатив фикрловчи мутахассисларга талаб ошиб бораётган экан, таълим жараёнида ўқувчи-талабаларнинг ноодатий фикрлаш қобилиятини шакллантириш, ривожлантириш долзарб вазифадир. Ҳалигача таълим тизимида кўплаб ёндашув ва методлар ижодий фикрлаш эмас, талқин ва таҳлилга, яъни берилган маълумотни тушуниб, тўғри етказишга, нари борса, бир неча [ахборотни умумийлаштириб](#), хулоса чиқара олишга йўналтирилган.

Хўш, таълим олувчиларни қандай қилиб креатив фикрлашга ўргатиш мумкин? Инновация яратиш учун тафаккурда қандай ўзгаришлар кечиши лозим? Тасаввур билимдан муҳим(ми?) Шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш учун дастлаб бу тушунчанинг мазмунини билиш лозим. Креативлик инглизча “create”дан олинган бўлиб, яратиш маъносини билдиради. Креативлик деганда инсоннинг янгилик яратиш, муаммоларни ечишга қаратилган ижодий қобилияти тушунилади. Унинг мазмунида оригиналлик, амалийлик, ноодатийлик ва эркинлик ётади. Шунингдек, креатив фикрлаш муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш, бир нуқтага турли ёндашишни англатади.

Креативлик шахсни ривожлантирувчи категория сифатида инсон тафаккури, маънавиятининг ажралмас қисми ҳисобланади, у шахс эга бўлган билимларнинг кўпқиррали

эканлигида эмас, балки янги ғояларга интилиш, ўрнатилган стереотипларни ислоҳ қилиш ва ўзгартиришда, ҳаётий муаммоларни ечиш жараёнида қутилмаган ва ноодатий қарорлар чиқаришда намоён бўлади. Яъни, берилган билимларни такрорлаш орқали креативликка эришиб бўлмайди, ижодий фикрлаш жараёнида янги фикр, янги ғоянинг пайдо бўлиши асосий шартдир.

Масалан, инглиз тилида сўзларни ёдлаб, грамматика қоидаларини “сув қилиб ичиб юборган” бўлсангиз ҳам, иншо ёзолмасангиз, барчаси бекор. Шунинг учун креатив фикрлаш жараёнида тасаввур муҳим роль ўйнайди. Алберт Эйнштейн “Тасаввур билимдан муҳим” деганида айнан мана шу жиҳатни назарда тутган. Кўпинча ноодатий фикрлар, ечимлар қутилмаганда инсон ҳаёлига келади. Бунинг учун, аввало, фикрлаш [жараёнидаги бир хилликка](#), одатийликка барҳам берилиши лозим.

Инсон мияси ўз ишини “енгиллаштириш”, “қулайлаштириш” учун шаблон ва стереотиплардан фойдаланади. Стереотиплар шу пайтгача маълум бўлган ва умумқабул қилинган фикрлардир. Улар асосида фикрлаш бизга ҳеч қандай янги ғоя бермайди. Қолипларнинг юзага келишида жамиятда устувор бўлган ижтимоий фикр, медиамаҳсулотларда тақдим этилаётган шакл ва кўринишлар ҳам етакчи ўрин тутаяди. Инсон оммадан ажраб қолмаслик нуқтаи назаридан ҳамманинг фикрига қўшилади. Қолаверса, “оқим бўйлаб сузиш” мустақил фикрлашдан кўра осон туюлади. Стереотиплар орқали фикрлаганда муайян мавзу бўйича инсон онгига “сўров” берилганида одатий маълумот ва мулоҳазалар юзага келади. Креатив фикрловчи инсонлар одатий манзаралардан ўзгачароқ тасвирларни ҳам тасаввур қилиб, ҳеч ким илғамаган жиҳатларни пайқайди, янгилик ярата олади.

Энг ажабланарли жиҳати, таълим-тарбия жараёни ҳам болаларни бир хил фикрлашга ўргатиб қўяркан. Машҳур ихтирочи ва кашфиётчиларнинг айнан мактабдаги таълим жараёнидаги бир хилликка кўника олмагани, қолипларга сиғмаганини кўриш мумкин. Масалан, Алберт Эйнштейннинг мактабдан ҳайдалиши ёки Дмитрий Менделеевнинг кимё фанидан “уч” олгани бунга мисол бўлади [1.112].

Ижодкорликни юзага келтириш учун стереотипларнинг онг ости даражасида ижоддан чекловчи функция, шаблонлардаги тўсиқни англаш, қолиплардан воз кечиш зарур.

ПЕДАГОГИКА

Томас Эдисон “Креативлик – ғайри ихтиёрий жараён”, дейди. Лекин ҳар куни кўплаб мутахассислар муаммоларга ноодатий ечим топишга зарурият сезади. Улар мана шу ғайриихтиёрий жараёни ихтиёрийлаштириши мумкинми? Табиатда янги фикрларни юзага келтирувчи “сеҳрли таёқча” йўқ, бироқ ҳар қандай мутахассиснинг креатив ўйлашига кўмаклашадиган кўплаб усуллар мавжуд. Бунинг учун ижодий фикрлашга вақт ажратиш, ижодий салоҳиятни англаш лозим [2,81].

Муаммоли масалага дуч келган пайтингизда ижодкорлик чегараларини белгиланг. Ўзингиздан “Энг оддий ечим нимада?”, деб сўранг. Кейин “муаммони ҳал қилишнинг ақлбовар қилмас варианты”ни тасаввур қилинг. Оддий ва ҳайратланарли ечим ўртасида сизга ижодий майдон пайдо бўлди. Энди янги ғоя мавҳум эмас, унинг чегаралари мавжуд. Бу, ижод жараёнидаги психологик босимни енгиллаштиради.

Эдвард де Боно таклиф этган “Олти рангли шляпа усули”да бирор мавзу танланади. Навбатма-навбат шапкалар кийилади: оқ – диққат билан, ҳеч қандай эмоциясиз барча фактлар текширилади; қора – камчиликлар аниқланади; сариқ – мавжуд ҳолат таҳлил этилади; яшил – яна янги бир неча ғоялар қўшилади; қизил – эмоционал муносабат билдирилади; кўк – иш хотималанади [3,72].

Масалан, таълим тизимида оид қонунчиликни такомиллаштириш мавзуси кўрилатган бўлса, мавжуд қонунчилик ўрганилади, камчилик ва бўшлиқлар аниқланади. Қонуний меъёрларнинг реал ҳолат билан мослиги ёки қарама-қаршилиги ўрганилади. Таълим сифатини оширишга хизмат қилувчи таклифлар берилади, улар амалга ошса, қандай самара бериши изоҳланади.

Уолт Дисней кўнгилочар соҳада ўз саноатини яратган, анимацион мультфильмлари билан бутун дунёга танилган шахс. У дунёга машҳур персонажларини яратишда креативликнинг уч фазаси - хаёлпараст, реалист, танқидчи образидан фойдаланади. Яъни, хаёлпараст ролида ҳеч қандай чегарасиз хаёл суради, фантазия яратади.

Бу жараёнда у Бахнинг “Токката, fuga ре минор” мусиқасини эшитишини айтган. Хаёлида образлар яратилгандан кейин уни реаллик билан уйғунлаштиради. Персонаж қандай ҳаракатланади, қандай гапиради, – барчасини конструктор сифатида жонлантиради, реаллаштиради. Шундан кейин

хаёлпараст ва реалист ишини танқидчи кўриб чиқади. Танқидчи “фильтр” вазифасини бажаради. Уолт Диснейнинг ютуғи хаёлпараст, реалист, танқидчини битта шахсда жамлай олганидир. Оддий фикрловчиларда уларнинг биттаси устуворлик қилади [4,128].

Тасодифларга бефарқ бўлманг. Жуда кўплаб ихтиролар фавқуллодда ва тасодифий ҳолатларда амалга оширилган. Яъни, тақдирнинг ўзи инсонга нозик ишоралар беради. Бу Исаак Ньютоннинг бошига тушган олма, антибиотикни кашф этган олим Александр Флемингнинг ювилмай қолиб, моғорлаган лаборатория идишлари кўринишида бўлиши мумкин.

Бир-бирига боғлиқ бўлмаган нарсаларни боғлаш. Мобил телефон ва компьютер имкониятларини бирлаштириш орқали планшет, юк машинасига антенна ўрнатилиб, кўчма станция, қайиққа осиб қўйилган мато туфайли елканли кемалар пайдо бўлган. Шотландиялик шифокор Ж.Данлопнинг ўғли тош йўлдан велосипедда юриб қийналар эди. Данлоп боғини шланг билан суғора туриб, унинг енгил пружинасимон сакрашига эътибор берди. Натижада биринчи бўлиб шинани кашф этди [2,57].

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ўқитувчининг креативлиги, бу, унинг қатъий, чегараланган ёки суст чегараланган шароитларда ҳар хил оригинал ғояларни излаб топиш лаёқатидир. Илмий адабиётларни таҳлил қилиш қуйидаги ўзаро бир-бирига боғлиқ креативлик таркибий компонентларини ажратиш имконини беради:

1. Интеллектуал (ақлий).
2. Ахлоқий (ўз-ўзини бошқариш).
3. Мотивацион (мақсадли).
4. Эмоционал (ҳис- ҳаяжонли).

Креатив лаёқат қуйидаги ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган қисмлардан иборат бўлади:

1. Креатив мақсад.
2. Ижодий интилиш.
3. Креатив (установка) қуриш.
4. Креатив йўналиш.
5. Креатив ифодали акт.
6. Креатив ўз-ўзини бошқариш.
7. Креатив фаоллик.
8. Креатив интилишлар даражаси.

Ўқитувчининг креативлиги унинг ижодий фаолиятида пайдо бўлади ва ривожланади [4,128].

Креативлик ўқитувчининг ижодий фаолиятида ижодий интилиши, ижодий қобилияти, креатив мақсади, йўналиши ва ўзини бошқара олишида кўринади ва унинг

фаоллиги, ўзини-ўзи бошқара олиши билан етук ривожланаётган, ўсаётган шахсга айланаётганини билдиради.

Педагогнинг креатив компетентлиги унинг умумий хусусияти сифатида акс этади. У креатив фаолиятнинг дастлабки шarti ва натижаси саналади. Мазкур сифат шахснинг ўз-ўзини намоён қилиш лаёқатига эгалликни ва тайёрликни ифодалайди. Қолаверса, креатив компетентлик негизида ҳар бир мутахассиснинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қуввати яхлит ҳолда намоён бўлади.

Креативлик билиш жараёнига йўналтирилган ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ. Педагогнинг креатив компетентлиги анъанавий тафаккур юритишдан фарқли равишда қуйидагиларда намоён бўлади:

- тафаккурнинг тезкорлиги ва эгилувчанлиги;
- янги ғояларни яратиш қобилияти;
- бир қолипда фикрламаслик;
- ўзига хослик;
- ташаббускорлик;
- ноаниқликка тоқат қилиш [5,76].

Педагог креативлик компетентликка эга бўлиши учун касбий фаолиятида ўз эътиборини қуйидагиларга қаратиши зарур:

- касбий фаолиятига ижодий ёндашиш;
- янги-янги ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш;
- илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш;
- ҳамкасблар билан педагогик ютуқлар хусусида фикр алмашиш.

Ҳар бир педагогнинг ўзини ўзи ривожлантириши ва ўзини ўзи намоён эта олиши бевосита унинг креативлик қобилиятига эгаллиги билан боғлиқ.

Креативликни ривожлантириш таълим ва фаолият жараёнида зарур ҳисобланади. “Креативлик” концепцияси ва атамаси ХХ асрнинг охиридан бошлаб қўлланила бошланди. Хорижий олимлардан Л.Терсон, Ж.Гилфорд, Б.Гизелин, С.Медник, В.Смит, П.Торренс, К.Тейлор, Х.Трик, Д.Халперн ва бошқалар бу йўналишда тадқиқотлар олиб борганлар.

Сўнгги йилларда креативлик Л.Н.Алексеева, А.Н.Виноградов, И.Н.Семенов, Т.А.Ребекова, Н.В.Кипиани, В.Р.Пятрулис ва бошқалар томонидан фаол ўрганилмоқда [7,176].

Креативлик ва шахснинг ижодий етуқлик динамикасини индивидуал, гуруҳий ва жамоавий шаклда олиб борилган мониторинг тадқиқотлари ўрганилаётган шахснинг ижодий мойиллигини экспериментал равишда ташхислаш имконини берди.

Олдимизда турган долзарб вазифа – мустақил ҳаётий позиция, ижтимоий фаоллик, юксак ақлий ва маънавий салоҳиятни шакллантиришга қаратилган педагог, талаба – ёшларга йўналтирилган таълим, яъни таълим-тарбия беришнинг амалий педагогик тизимини ҳаётга янада кенгроқ татбиқ этишни тақозо этади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон [Фармони](#).
2. Башина Т.Ф., Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009.
3. Муслимов Н.А, Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. “Инновацион таълим технологиялари” – Т.: Сано стандарт, 2015.
4. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари . – Т., 2015.
5. Кузьмина Н.В. Основы акмеологии – М., 2007.
6. Каримова М. Ўқитувчи компетентлиги ва креативлигини такомиллаштиришнинг педагогик асослари. (Касб-хунар коллежлари мисолида). Монография. –Т.: Доно, 2020.
7. Роу А.Дж. Креативное мышление / Пер.с.англ. В.А.Островкого. – М.: НТ Пресс, 2007.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор)